***Ҳисоб-китобнинг қулай ва замонавий усули – нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизими ривожланиши пластик карточкалар билан боғлиқ ҳолда шаклланиб бораётир. Молиявий хизматнинг ушбу туридан фойдаланиш нечоғли қулай, ишончли эканлигини халққа кенг тушунтириш бугунги кунда банклар, хусусан, акциядорлик-тижорат "Ғалла банк"нинг Қорақалпоғистон минтақавий филиали ходимлари олдида турган долзарб вазифалардан биридир.***

# Мижозлар эътирофи



–Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги "Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талабларини бажариш мақсадида молия муассасамиз томонидан муайян ишлар олиб борилаётир, – дейди "Ғалла банк"нинг Қорақалпоғистон минтақавий филиали бошлиғи Жасликбой Қабулов. – Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар кўрилганлиги сабабли минглаб пластик карточкалар муомалага чиқарилди. Бугунги кунга келиб, молия муассасамизнинг барча филиалларида пластик карточкалар асосида мижозларга кенг кўламда хизмат турлари кўрсатилмоқда. Карточкалар эмиссия сонининг тобора ошиши эса банкдаги пул айланмаларининг тез суръатларда ўсиб боришини таъминлаяпти.

–Бугун мижозларимиз пластик карточкалар нафақат пул тўлашнинг қулай усули эканлигини, балки ўз даромадини оширишга хизмат қилувчи молиявий восита эканлигини тушуниб етмоқда. Шу боис, бу тизимни ривожлантириш мақсадида янги-янги банк хизматларини тақдим қилаяпмиз.

Мамлакатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган иқтисодий ислоҳотлар изчил амалга оширилаётганлиги туфайли Қорақалпоғистон Республикасида аграр соҳа самарадорлиги ортаётир. Айниқса, ернинг чинакам эгалари — фермерлар ихтиёрига берилиши экинзорлар ҳосилдорлигини ошириш, пировардида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Аграр соҳа субъектларини кредитлаш, улар томонидан маблағларни эркин ва тезкор тасарруф этишда банк хизматининг мижозларга яқинлаштирилганлиги, яъни минибанклар тармоғи кенгайтирилганлиги ижобий натижа бермоқда. Сўз юритаётганимиз "Ғалла банк"нинг 14 та минибанкида қишлоқ мулкдорлари учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Аслини олганда, бундай кичик шохобчалар фақатгина молиявий таъминотчи бўлибгина қолмасдан, балки мижозларнинг молиявий аҳволини таҳлил этиб боришда ҳам иштирок этаётир.

Банк республика Президентининг 2006 йил 23 мартдаги "Шахсий ёрдамчи, деҳқон-фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида муайян ишларни олиб бормоқда. Жумладан, ўтган ойлар давомида банк ўз маблағи ҳисобидан 17 та шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига чорва моллари сотиб олиш учун етарли миқдорда микрокредит ажратиб берди. Шунингдек, молия муассасаси томонидан 8 та шахсий ёрдамчи хўжаликларига 5 миллион сўм йўналтириб берилди. Шу йўл билан Элликқалъа туманидаги "Ўрнак насл-чорва" фермер

*Хизмат*

хўжалигига (раҳбари Ш.Фахриддинов) четдан наслли қорамол олиб келиш учун 14 миллион сўм, Қораўзак туманидаги "Ўктам Яумит" фермер хўжалигига (раҳбари Г.Самандаров) ҳамда Кегайли туманидаги "Абил Баг" фермер хўжалигига (раҳбари А.Нурлабаев) банк маблағи ҳисобидан 66900 минг сўмлик ўрим комбайнлари олиб берилганлиги бунинг тасдиғидир.

"Қўнғирот ун заводи" ҳиссадорлик жамияти ўтган мавсумда "Ўздонмаҳсулот" акциядорлик компаниясига қарашли жамоалар орасида қувончли натижаларни қўлга киритди. Ҳозирда бу ерда меҳнат қилаётган 300 нафар ишчи-хизматчилар бир суткада 1200-1300 тонна сифатли ун маҳсулотлари ишлаб чиқаришаяпти. Бундан ташқари, Қўнғирот, Шуманай, Мўйноқ, Қонликўл туманларидаги 349 нафар фермер хўжаликлари билан маҳсулот етказиб бериш мақсадида шартномалар имзоланди. Корхона жамоаси кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар ҳолидан мунтазам равишда хабар олиб туришади. Масалан, яқинда Наврўз арафасида кўзи ожизлар жамиятига, боғча, мактабларга моддий ёрдам кўрсатилди. Жамоада ўз меҳнати билан кўпчиликка ибрат бўлаётганлар анчагина топилади. Сулаймон Қоратоев, Қудайбергин Айтмуратов, Бозор Қолниёзова сингари ишчилар шундайлардан.

–Банк мижоз учун қанчалик қулай шароитлар яратиб берса, бундан иккала томон ҳам ютади,– дейди "Қўнғирот ун заводи" ҳиссадорлик жамияти бош муҳандиси Азамат Дўспанов. – Биз "Ғалла банк"нинг Қорақалпоғистон минтақавий филиали мижозларидан биримиз. Ишонч билан айта оламан, мазкур банкда хизмат кўрсатиш анча намунали тарзда йўлга қўйилган. Бу айниқса, фермерлар билан ишлаш жараёнида яққол сезилмоқда. Шу боис, бундан кейин ҳам банкнинг кўмагига суянамиз.

- Банкнинг беминнат молиявий мадади туфайли корхонамиз Қорақалпоғистон Республикасида иқтисодий жиҳатдан бақувват жамоалардан бирига айланди, деб бемалол айта оламан, - дея суҳбатга қўшилди Чимбой ёғ корхонаси бош ҳисобчиси Чиннибой Бекимбетов. - Корхонамиз 1947 йилда қурилган. Уни янги, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминлаш, қолаверса, молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда "Ғалла банк"-дагиларнинг хизмати катта бўлаётир. Ўйлайманки, қўлга киритаётган меҳнат ютуқларимизда банкнинг салмоқли ҳиссаси бор.

Президентимизнинг "Нақд пул маблағларининг айланмасини такомиллаштириш ва банкдан ташқари муомаласини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда "Банклардаги депозит ҳисоб варақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида"ги тегишли қарорлари ижроси банкда доимий назоратга олинди. 2007 йилнинг биринчи чораги давомида банк кассаларига жами 3994,2 миллион сўм нақд пул маблағлари кирим қилинган. Жумладан, минтақавий филиал бўйича савдо тушуми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 712 миллион сўмга кўпайган.

Ушбу банк жамоаси тармоқда банд бўлган ишчиларнинг иш ҳақини ўз вақтида тўлаш, муҳими, қайта ишлаш корхоналари билан тузилган контрактация шартномаларининг тўлиқ бажарилишига эришиш мақсадида астойдил меҳнат қилаётир.

**Улуғбек ЖУМАЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# Зиёга йўғрилган даргоҳ

***Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти қошидаги "Нуристон" академик лицейи ташкил топганига атиги 6 йил бўлди. Шу қисқа давр мобайнида таълим бериш салоҳияти анча юксалди. Ҳозиргача бу ерда таълим олган 600 нафардан ортиқ ёшлар турли олий ўқув юртларида таҳсилни давом эттиришмоқда.***



*Таълим*

Айни пайтда академик лицейнинг 650 нафардан зиёд ўқувчисига 70 нафар малакали ўқитувчи ва мураббийлар сабоқ бериб келишмоқда. Шуни мамнуният билан эътироф этиш кераккки, икки нафар "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси", бир нафар "Олий таълим аълочиси" нишондори, 14 нафар фан номзодлари, доцентлар ўқувчиларни фан сирларига ошно қилиб келмоқдалар.

–Вилоятдаги нуфузли олий таълим муассасалари билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатаётганимиз кутилганидан ҳам яхши самара бермоқда, – дейди лицей директори Баҳром Узоқов биз билан суҳбатда. – Ўқувчиларнинг билимини янада ошириш мақсадида Қарши МИИнинг олтита кафедраси филиаллари ташкил этилди. Ушбу кафедраларнинг профессор-ўқитувчилари зиё маскани ўқувчиларининг илмий изланишлари, диплом иши мавзуларини ҳимоя қилишларида яқиндан кўмаклашиб келишмоқда. Бу эса, ўз навбатида, таълим сифатининг тубдан яхшиланишида, ўқувчиларнинг қизиқишларини янада ошишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Тарбиячининг ўзи тарбияланмоғи керак, деганларидек ўқитувчиларнинг билим ва малакасини оширишга алоҳида эътибор билан ёндашяпмиз. Жанубий Корея, Финляндия, АҚШ, Англия, Франция ҳамда Германияда малака ошириб келган профессор-ўқитувчиларни ишга жалб қилдик. 2005 йилда академик лицейимиз педагоглари "Истеъдод" жамғармасининг танловларида иштирок этиб, икки нафар ўқитувчи Россия Федерациясида малака ошириб қайтди. 2006 йилда эса яна икки нафар ўқитувчи Германияда малака ошириш ҳуқуқини қўлга киритди. Информатика ва ахборот технологиялари фани ўқитувчиси Аҳмад Қодиров Мустақиллигимизнинг 15 йиллигига бағишланган ёшлар интернет марафонида иштирок этиб, "Таълим ва касб фаолиятида интернетнинг коммуникация имкониятларидан энг яхши фойдаланиш" йўналишида 1-ўринни эгаллади.

Дарвоқе, академик лицейда таълим олаётган ўқувчиларнинг билим ва иқтидорини янада ошириш борасида иқтидорли ёшлар маркази, "Заковат" клуби, турли хил дебат гуруҳлари ташкил этилди. Айниқса, ижодкор ёшлар марказида яратилган шарт-шароит ва қулайликларни, ўз фикрини, сўзини эркин тарзда билдираётган ёшларни кўриб ҳаваси келади, кишини.

**А.КАРИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**

# Ҳамкорлик кенгайтирилса...

***Республикамизда Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки иштирокида "Қишлоқ хўжалик корхоналарини қўллаб-қувватлаш" лойиҳаси амалга оширилмоқда. Лойиҳанинг умумий қиймати 43,46 миллион АҚШ доллари миқдорида бўлиб, Элликқалъа, Марҳамат, Нишон, Шеробод, Оҳангарон туманларида аграр соҳани ривожлантиришга йўналтирилган.***

*Жараён*

Лойиҳа доирасида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги корхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги ва РАТБ «Ғаллабанк» билан ҳамкорликда 2002 йилдан бошлаб кредит линияси маблағларини ўзлаштириш бошланган бўлиб, 2007 йил 1 февраль ҳолатига эса бу иш 3 та босқичда амалга оширилган.

Мазкур кредит маблағлари, асосан, қишлоқ хўжалик корхоналарини техника воситалари билан таъминлаш, техник хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этиш, деҳқончиликни сара уруғлар билан таъминлаш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни ташкил этишга йўналтирилган. Лойиҳа маблағлари ҳисобига қишлоқ хўжалик корхоналари, жумладан, фермер хўжаликлари 70 дан ортиқ қишлоқ хўжалик техникаси билан таъминланиб, 340 дан ортиқ ишчи ўринлари яратилганлиги натижасида маҳсулот таннархини пасайтириш ва унумдорлигини ошириш борасида самарадорликка эришилган.

Республиканинг лойиҳа амалга оширилмаётган бошқа ҳудудларида қишлоқ хўжалик техникалари ва қайта ишлаш технологияларига бўлган талаб юқори даражадалигича қолгани боис, уларни молиялаштиришга маблағлар талаб этилади. Ушбу мақсадларда мазкур кредит линияси маблағларини Республиканинг бошқа ҳудудларидаги қишлоқ хўжалик корхоналарини ривожлантиришга йўналтириш масалаларини ваколатли идоралар томонидан кўриб чиқилса ва тегишли қарор қабул қилинса, нур устига аъло нур бўларди. Чунки бундай ҳамкорлик аграр соҳанинг равнақ топишига пойдевор вазифасини ўтайди.

**Д.ҲАКИМОВА,**
**Тошкент Молия институти талабаси.**

## ЖИЗЗАХ ЯНГИЛИКЛАРИ

### Касаначиларга 400 та тикув машинаси

***Вилоятда касаначилик билан шуғулланиш истагида юрган 400 нафар аёл тикув машинасига эга бўлди.***

Йирик корхоналар маблағлари ҳисобидан Хитойдан сотиб олинган, умумий қиймати 35 миллион сўмлик 400 та замонавий тикув машинаси олис қишлоқларда яшовчи кам таъминланган оилаларнинг бекаларига бепул берилди.

Вилоятда 2006 йилда фаолият кўрсатган 3441 нафар касаначининг 1904 нафари хотин-қизлар эди. Шу йилнинг биринчи чорагида 471 та касаначи ўрни ташкил этилди ва улар томонидан 84 миллион сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқилди. Тикув машинаси билан таъминлаши ҳисобига II чоракнинг бошида касаначилар сони бирданига 400 нафарга кўпайди.

### Шартнома тузилди

***Яқин кунлар ичида Мирзачўл туманида йирик шохли чорва моллари сони 105 бошга ортадиган бўлди.***

Негаки, бир неча фермер хўжалиги жамоалари қўшни Қозоғистон Республикаси қишлоқ хўжалик вазирлиги билан шунча зотдор қорамоллар сотиб олиш учун шартнома тузиб, 180 миллион сўм пул ҳам тўлаб қўйдилар.

### Мавсум қизғин паллада

***Вилоят деҳқонлари чигит экишга қизғин киришдилар.***

Жорий йилда вилоят бўйича 106 минг 400 гектар майдонга чигит экиш режалаштирилган. Мавжуд техника воситалари, экиш агрегатлари сифатли таъмирдан чиқарилиб, 3430 тонна туксизлантирилган, 2537 тонна тукли уруғлик чигит жамғарилди.

Экин суръати кун сайин ошиб бормоқда. Об-ҳавонинг очиқ кунларидан унумли фойдаланаётган Дўстлик, Пахтакор, Жиззах, Мирзачўл туманлари деҳқонлари яхши натижаларга эришаяптилар.

**Толибжон ЭРГАШЕВ**

# Йўли равоннинг манзили яқин

***Ҳар гал водийга, Фарғона томонларга йўлим тушганда, азим тоғлар бағридаги Қамчиқ довонидан ўтаётиб дилим яйраб кетади. Денгиз сатҳидан қарийб бир минг еттиз юз метр баландликдаги ўша қадимий Қамчиқ, ундан сал наридаги Резак довонлари остидан ўтган ер ости йўли сизни бир зумда водийнинг дарвозаси ҳисобланган Поп-Пунгон мавзесига олиб тушиб қўяди.***

Машинангиз аввалги вақтлардагидек силкинмайди, кучанмайди, шундоқ йўл ёқасидаги жарликка қараб юрагингиз орқага тортиб ҳам кетмайди. Аксинча, замонавий йўлсозликнинг бу ноёб иншоотидан кўзингиз қувнайди.

Мустақиллик шарофати билан пойтахтимизни водий билан боғловчи Тошкент – Ўш йўлининг қайта бунёд этилиши тарихий иш бўлди. Кечаю кундуз ўн минглаб инсонларнинг мушкулини осон, манзилини яқин қилувчи, замонавий йўлсозликнинг энг сўнгги ютуқларини ўзида мужассам этган бу ноёб иншоот, ҳеч шубҳасиз, ёш, келажаги буюк давлатимизнинг қудратидан, имконларидан бир муждадек кўпларни ҳайратга солиб, ҳавасини келтираётгани ҳам бежиз эмас.

–Қаранг-а, болам, – дейди юзларидан нур ёғилиб турган, оппоқ соқоли кўксини қоплаган бир отахон, – бу ерлардан ёшлигимда кўп ўтганман. Аввалари йўлнинг торлигидан юрагимизни ҳовучлаб, юзимизни ўгириб ўтардик. От-арава, машиналар баъзан жарликка қулаб тушарди. Энди қаранг, машиналар шамолдек учади. Юриб чарчамайсиз. Бу йўл ишга тушгач, биз водийликлар учун Тошкент бир қадам бўлиб қолди. Ҳар гал невараларимдан хабар олиш учун ўтарканман, шундай йўлни қурган раҳбарларимизни, қурувчиларимизни дуо қиламан.

*Дил сўзи*

Касбим ҳайдовчилик бўлгани учун ҳам йўловчилардан бундай самимий эътирофларни, миннатдорчилик сўзларини кўп эшитаман. Шу ўринда касбим тақозосидан келиб чиққан ҳолда дилим тубидаги бир ниятимни ҳам айтиб ўтишни истардим. Тошкент–Олмалиқ магистралидан Оҳангаронга бурилганингиздан кейин то кончилар шаҳри Ангренгача бўлган йўл анчайин ўйдим-чуқур, таъмирталаб. Асфальт йўлнинг ўйилиб, кўчиб кетган жойлари талайгина. "Нексия", "Тико", "Дамас" русумли машиналар Ангрендан Фарғонагача қилт этмайди-ю, йўлнинг ана шу ерига, озгинагина жойига келганда "қоқилиб", ғилдираклари лапанглаб қолади. Амортизатор пружиналарини тез-тез алмаштиришга тўғри келади.

Бу билан мен йўлсозларимиз меҳнатини асло камситмоқчи эмасман. Нафақат менинг, балки водий томон йўли тушган барча ҳайдовчию йўловчиларнинг истаги тоғлар бағрини қовундек тилиб, улкан автомагистрални бунёд этган азамат қурувчиларимиз йўлнинг Оҳангарон – Ангрен қисмига ҳам салгина эътибор бериб, созлаб қўйишса, савобли иш бўларди...

**Фатҳиддин ВАЛИЕВ**

# Мулкдорлик сари

***Ўтган йили Наманган вилояти бўйича тугатилмаган 32 та ширкат хўжалиги қолган эди, лекин ана шу бир ҳовуч ширкатлар ҳам иқтисодий ислоҳотлар оёғига тушов бўлиб, анчагина зиён келтиришга улгурди. Йилни 22 миллиард сўм қарз билан якунлашди. Биргина Наманган туманидаги ширкатларнинг йиллик қарзи 4 миллиард сўмдан ортиқ. Ҳолбуки, шу туманнинг ўзида ширкат 10 центнер ҳосил ололмаган пахта майдонларидан 26 центнердан хирмон кўтарган, ғалла ҳосилдорлигини 3-4 баробарга оширган омилкор фермерлар бор.***

Давлатимиз томонидан фермерликни ривожлантиришга берилаётган эътибор боис Наманганда ҳам мулкчиликнинг янги шаклига тўлиқ ўтилди. Вилоят 2007 йилни барча ер-сув қишлоқ мулкдорлари қўлига ўтган ҳолда бошлади. Бугун фермерлар сони 13,8 минг нафарга етди.

Косонсой туманидаги "Чашмаи Сафед" фермер хўжалиги ихтиёридаги экин майдонларининг ер шароити чатоқ. Шундай бўлса-да, меҳнат ва тадбиркорлик туфайли чорвачилик, ғаллачилик, пахтачилик соҳасидаги натижалар яхши бўлмоқда. Биргина мисол, ўтган йили ушбу мулкдор пахта ҳосилдорлигини 48 центнерданга етказди.

Шунингдек, поплик Меликўзи Солиев раҳбар бўлган фермер хўжалигида ҳам пахта ҳосилдорлиги 48 центнерни ташкил этди, ҳар гектар ердан 72,7 центнердан ғалла олинди. Яқинда бўлиб ўтган бир йиғилишда алоҳида таъкидланишича, бугун бундай қувончли натижаларга эришаётган қишлоқ мулкдорлари юзлаб, минглабдир.

– Бош пудратимизда пахта ҳосилдорлиги ҳеч қачон 40 центнердан кам бўлмаган, аммо даромадимизнинг камида 15-20 фоизи ширкатнинг умумий қозонига қўшилиб кетарди, – дейди Ўзбекистон Қаҳрамони Абдураим Ҳомидов. – Бу йил бундай бўлмайди, шунисига жуда хурсандман.

*Ислоҳот*

Негаки, "Ўзбекистон" ширкати (Тўрақўрғон) ҳам тугатилди, тендерда ғолиб чиққан А.Ҳомидов ўзи етакчилик қилган бош пудрат даласида фермер хўжалиги ташкил этди.

Мингбулоқдаги "Уҳуд" фермер хўжалиги вилоятда чорвачиликка ихтисослашган 400 дан зиёд фермер хўжалигининг бири. Унинг бошлиғи Баҳриддин Мамадалиев хорижнинг зотдор қорамолларидан олиб келиш ҳақида анчадан буён бош қотиради. Голландиянинг "Вандер Плуг Интернешнл Б.В." фирмаси билан шартнома ҳам тузган.

Тўрақўрғонлик Сайфиддин Мўминов ҳам ана шундай тиним билмайдиган мулкдор. Ўтган йили сентябрда Самарқанддан минг бош жўжа олиб келди, саноат усулида парваришламоқда, 4-5 фоиз товуғи ҳозирдан тухумга кирди.

Фермерлик имтиёз эмас, масъулият, меҳнат ва изланиш экани ана шундай серғайрат кишилар фаолиятида яққол намоён. Лекин ҳамма мулкдорлар ҳам шундай ишлаяпти, деб бўладими?

Мулкдорликни боқибеғамлик деб ўйлаган фермерлар Наманганда ҳам анчагина. Масалан, ўтган йили пахтачилик бўйича 839 та, ғаллачиликда эса 800 га яқин фермер шартнома режасини бажармаган. Бу билан улар нафақат давлатга катта зиён етказди, балки ернинг бир йил умрини беҳуда ўтказди.

Ер шундай ҳисобли бойликки, унинг ҳар қаричидан унумли фойдаланганлар ютади. Бундай омилкор фермерлар сафи вилоятда жуда кўп.



Зеро, Наманган тупроғининг эртанги тақдири учун мулкдорлар масъулдирлар.

**Рустамжон УММАТОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти" мухбири.**


**ТАШКИЛОТ ПУЛ ЎТКАЗИШ ЙЎЛИ БИЛАН "ЛУЧАФЭРУЛ", "ЮГОСЛАВСКИЙ" "КУНГАБОҚАР ОТАСИ ОНАСИ" сортли КУНГАБОҚАР ПИСТА УРУҒИНИ СОТАДИ.**



маҳсулот сертификатланган

Тел.: 133-44-57, 132-26-76.

## Деҳқон ва фермер хўжаликлари раҳбарларига!

**«Агриматко ЛТД» компанияси Сизларга АҚШнинг Колорадо штатида етиштирилган Crimson sweet сорт ва гибрид тарвузларини таклиф этади. Crimson sweet туридаги стандарт тарвуз нави 80-85 кунда пишиб етилади. Кучли бандлари мевани овал-думалоқ шаклли бўлишига ўз таъсирини кўрсатади. Меваси силлиқ, ялтироқ ҳамда сўлиб қолишга қаршилиги юқори. Пўстининг ўзига хос кўриниши, яъни ингичка тук яшил чизиқлар билан кенгроқ бўлган оч яшил чизиқлар бирикмаси харидор учун ажралиб турувчи сифат белгисини таъминлаб беради. Тарвуз фузариум (сўлиш) ва антракноз (оқ палак)га чидамли. Вазни 9-15 кг. Ҳосилдорлиги юқори. Узоқ масофаларга ташиш ва сақлашга мослашган.**






*Мурожаат учун телефонлар:*
*"Agrimatco Ltd" (8371) 152 1735, 353 12 24*
*"Агро Строй Сервис Плюс" 353 12 24*

ООО "Lily Textile Group" зарегистрированный хокимиятом Мирабадского района г.Ташкента за № 000849-03 от 15.03.2005 г. ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 140-05-30.

ЧФ "ZARGAR BIZNES" (код по ОКПО 204090980) Юнусабадского района г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 360-55-93.

ЧП с иностранными инвестициями "VIKTORY SPETSIAL MAKINA" (код по ОКПО 19815325) Сергелийского района г.Ташкента ликвидируется. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления. Тел.: 142-15-00.

ЧП "SILVER LUX" Юнусабадского района г.Ташкента сообщает о преобразовании в ООО "SILVER LUX". Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: ул.Озодлик, 38.


## Диққат, диққат!

**Республика ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё маркази ҳамда Давлат кимё комиссияси огоҳлантиради:**

- ғалла далаларида зарарли хасва ва бошқа зараркунандаларга қарши кимёвий препаратлар ёрдамида ишлов бериш тадбирлари бошланмоқда;
- ишлатиладиган препаратлар асаларилар, бу препаратлар метаболитларининг дала четларидаги тут дарахтларига сачраши ипак қурти учун жуда хавфли.

***Кимёвий ҳимоя воситасидан фойдаланувчи ҳар бир юридик ва жисмоний шахс заҳарли эритмалар пуркалишидан уч-тўрт кун илгари асаларичиларни хабардор қилиши шарт.***

Асалари, ипак қурти боқувчилар вилоят ҳамда туман ўсимликларни ҳимоя қилиш ва агрокимё идораларининг мутахассислари билан ишлатиладиган препаратлар, уларнинг хавфлилик даражаси, ҳимоя зонасининг кенглиги, заҳарлилик даври ҳақида маслаҳатлашиб, асалари уяларини хавфсиз жойларга кўчириш, ипак қурти боқишда дала четидаги тут баргларидан уларга сачраган препаратлар метаболитлари батамом заҳарсизланмагунгача фойдаланмасликни таъминлаш учун масъулдирлар.

## НАМАНГАН ТОМОНЛАРДА

### Қувватлардан унумли фойдаланиб

***“Попфен” ўзбек-турк қўшма корхонасида жорий йилнинг биринчи чорагида 2 миллиард 690 миллион сўмлик юқори сифатли калава ип ишлаб чиқарилди.***

Бу ўтган йилнинг дастлабки уч ойидаги кўрсаткичга нисбатан 120,3 фоизни ташкил этади. “Попфен” вилоятдаги экспорт салоҳияти юқори корхоналардан биридир, хориждаги шериклар поплик йигирувчилардан 1 миллион 870 минг долларлик маҳсулот қабул қилиб олди.

### Янги қўлланмалар яратилди

***Наманган муҳандислик педагогика институти олимларининг изланишлари туфайли йигирмага яқин дарслик ва ўқув қўлланмаси яратилди.***

Осиё Тараққиёт банкининг лойиҳаси асосида эълон қилинган танловда институт илмий кенгаши тақдим этган икки ўқув қўлланмаси ғолиб чиқди ва нашр қилинди. Бу китобларда хизмат ҳамда технологиянинг долзарб жиҳатлари тадқиқ этилгани алоҳида диққатга сазовор.

### Муҳим анжуман

***Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва БМТ Болалар жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган семинар-тренингда темир ва фолий кислотаси танқислиги ҳамда ушбу муаммони ҳал қилиш масалалари муҳокама этилди.***

Таъкидландики, темир ва дармондорилар билан бойитилган ун маҳсулотларини истеъмол қилиш келажак авлоднинг соғлом бўлмоғида катта аҳамиятга эга.

### Кексалар ардоқда

***Янгиқўрғон туман ижтимоий таъминот бўлими томонидан рўйхатга олинган 355 нафар ёлғиз кексаларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилмоқда.***

Улардан 270 нафари бепул тиббий кўрикдан ўтказилди, мунтазам герантология хизмати йўлга қўйилди.

**Рустамжон УММАТОВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

# “Занжирсарой” оҳанглари

***Халқимизнинг маънавий мулкига айланган шундай мумтоз оҳанглар борки, кўнгилни латиф туйғуларга ошно этади. Дилдан-дилга кўчиб, сайқалланиб бугунги кунга етиб келган кўҳна қўшиқларга доим маънан эҳтиёж сезамиз. Чунки уларда миллий руҳ бор, аждодларимизнинг орзу-ниятлари, тилаклари, покиза туйғулари акс этиб туради.***

Асрларни қаритган, не-не долғали замонлар синовидан ўтган халқ қўшиқлари истиқлолимиз боис янада оҳангдор ва ёрқинроқ жаранглай бошлади.

Ўлмас санъат дурдоналарини Муборак туманидаги “Занжирсарой” фольклор бадиий жамоаси қизлари ҳам завқу шавққа тўлиб куйлашаяпти. Жамоа бадиий раҳбари Фозил Маъдиевнинг изланишлари, саъй-ҳаракатлари самараси ўлароқ, “Занжирсарой” халқ оғзаки ижодининг энг нодир намуналарини мухлисларга ҳавола этмоқда.

Қизлар эгнидаги қадимий нусхадаги либослар ва халқона айтимлар ўзига хос уйғунлик ҳосил қилади, сизни беихтиёр мозий сари етаклайди. Момоларимиз бундан бир неча аср илгари хониш қилган ашулалар яна сайқалланиб, тилдан-тилга кўчмоқда, халқ мулкига айланмоқда. “Занжирсарой” бундай оҳангларга қайта ҳаёт бағишлади.

“Занжирсарой”нинг “Гулнор-Гулнор”, “Жўрабой”, “Қиз кўнгли”, “Чўпон” қўшиқлари дўмбира, доира, тор, чанқовуз каби созлар жўрлигида ижро этилганда, ҳар қандай давра завқ-шавққа тўлади.

–Қадимий оҳангларни излаб топиш учун воҳанинг турли бурчакларидаги отахону онахонлар билан учрашишга тўғри келади, – дейди Фозил Маъдиев. – Қўшиқ матни ҳам, оҳанги ҳам асл ҳолида куйланиши муҳимдир. Уни кексаларимиз ижросида эшитиб кўргач, пухта ўрганамиз. Миллий руҳнинг асл моҳиятини сақлаб ижро этамиз. Халқона оҳангларга ҳеч қачон дарз етмасин, деймиз. Улар бугунги кун руҳи билан қоришиб, янги-янги халқ қўшиқлари яратилишига ҳам илҳом беради.

1995 йилда бадиий ҳаваскорлик дастаси тарзида тузилган “Занжирсарой” бугунги кунда юртимиздаги таниқли фольклор жамоалари сафида тилга олинаётир. Айниқса, халқ оғзаки ижоди йўлидаги меҳнат қўшиқларини мухлислар хушнудлик билан қарши олмоқдалар.

–Фольклор дастанинг шаклланишида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Исоқ Тўраевнинг хизмати катта, – дейди Ф.Маъдиев. – Санъатимиз жонкуярларидан Жумақул Қурбонов, Мусо Рустамов, Шароф Раҳматовдан жуда миннатдормиз. Муборак тумани ҳокимлиги саъй-ҳаракати, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси халқ ижодиёти маркази мутахассисларининг кўмагини ҳар қадамда ҳис қилиб турибмиз.

“Занжирсарой”ни фольклор халқ дастаси даражасига кўтариш, санъатимизни хорижий мамлакатларда намойиш этишни ният қилганмиз. Бу кўп изланиш ва меҳнатни талаб этади.

21 нафар қизларни жамлаган ижодий жамоа шундай ютуқларга эриша олишига ишонасиз. Зеро, “Занжирсарой” кўплаб мухлисларига, ихлосмандларига эга. Мухлислар тилига тушган жамоа эса, албатта, катта довонлар ошиши, ютуқларга эга бўлиши шубҳасиздир.

**Фахриддин БОЗОРОВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири.**



Санъат

**СУРАТДА:** “Занжирсарой” фольклор бадиий жамоаси аъзолари Зуҳра Қосимова, Фарида Маъдиева, Садоқат Абдухалилова.

# Анъаналарга садоқат

***Ҳар йили апрель ойининг иккинчи ўн кунлиги ниҳояланаётганда юрагимни ажиб ҳис-туйғулар қамраб олади. Чунки худди шу пайт – яъни 19 апрель – зиёлилар, жамоатчилик томонидан Ўзбекистон Давлат санъат музейи ташкил этилган сана сифатида нишонланади.***

Бу нафосат масканида чорак асрдан зиёд илмий ходим, тарғиботчи ва бошқа вазифаларда ишлаб, санъатга оид бир неча тўпламларнинг нашрга тайёрланишига ўз ҳиссамни қўшганман. Музейга келувчиларга кўпроқ маълумот бериш, санъат асарлари ҳақида кенг тасаввур ҳосил қилишлари учун озгина бўш вақтим бўлди, дегунча архивда сақланаётган ҳужжатлар билан танишиб борардим. Шунда севимли адибимиз Абдулла Қодирий, таниқли адабиётшунос олим Ҳамид Сулаймонов, драматург Умаржон Исмоилов каби маънавиятимиз фидойилари санъатни тарғиб этишда, музей ишини ташкил қилишда фаоллик кўрсатганликларини билиб олгандим. Тарихий манбаларни ўрганиш жараёнида бир жойда Баҳром Ҳайдаровнинг исми-шарифига дуч келиб, у экскурсоводлик қилганлигидан хабар топгандим. Бу инсон ҳақидаги тасаввуримни янада кенгайтириш мақсадида кўп ҳужжатларни кўздан кечирдим, лекин бошқа манбаларда у ҳақда маълумот учратмадим. С.Круковскаянинг икки марта чоп этилган “В мире сокровищ” китобида ҳам Баҳром Ҳайдаров номи қайд этилмаганди. Тарих, маънавият масалалари билан шуғулланувчи ва ушбу соҳаларга дахлдор зиёлилар билан мулоқотда бўлганимда ҳам шу ҳақда сўз очиб, бу инсон тақдирига қаттиқ қизиқаётганлигимни билдирардим.

Орадан кўп йиллар ўтди. Бир куни ҳузуримга кўриниши анча ўйчан, ўрта бўйли киши кириб келди. У “Шаҳидлар хотираси” хайрия жамғармаси раиси Наим Каримов менга учрашишни маслаҳат берганлигини, санъат музейида экскурсовод бўлиб ишлаган Баҳром Ҳайдаровнинг ўғли эканлигини айтди. Қувончим ичимга сиғмай кетди. Йўқотиб қўйган одамимни топиб олгандек ғоят шод эдим. Суҳбатимиз қизиб, янги танишим оиласи, падари бузрукворининг ҳаёт йўли ҳақида сўзлаб берди.

Сана

–Онам менга ҳомиладор бўлган пайтлари отам қатағон қилинган экан, – дея ҳикоясини бошлади у. – Барча тафсилотларни онамдан, отамнинг қадрдон дўстларидан эшитганман. Падари бузрукворим Баҳром Ҳайдаров санъат музейи ташкил топган пайтдан бошлаб экскурсовод бўлиб ишлаб, ноёб асарларни томошабинларга сидқидилдан тушунтиришга ҳаракат қилган экан. Дастлабки йилларда Вербов, Шепс, кейин Файзи Воисов сингари раҳбарлар билан бирга ишлабди. Замон алғов-далғов бўлиб, қатағон авжга чиқибди. 1937 йили кўплар қаторида отамни қамоққа олишибди. Уни олиб кетишаётганда онам сўрабди: “Туғилажак фарзандимизнинг отини нима деб қўяй?” “Ўғил бўлса, исми Нажот бўлсин! Насиб қилса, қайтиб келаман”, дея яхши ният қилган экан. Афсуски, отам қайтиб келмади. Мен ўша йили туғилганман. Саноат соҳасини танлаб, шу йўналиш бўйича ишладим, ҳозир нафақадаман.

Кейинчалик санъат музейининг илк экскурсоводларидан бири – Баҳром Ҳайдаров ҳақидаги янги-янги маълумотларга эга бўлдик. У нафақат Шарқ, балки Ғарб санъатининг ўзига хос жиҳатларини яхши билган, билимдон инсон бўлган. Кўплаб экскурсоводлар, шу жумладан, Толиб Қирғизбоев каби санъат фидойилари унинг ишини давом эттиришган. Улар бир қанча шогирдлар етиштиришди. Камина 1970-1992 йилларда санъат музейи экскурсоводлар бўлимида ишлаганимдан, устозларнинг анъаналарини давом эттирганимдан фахрланаман. Ҳозир ҳам шу соҳанинг жонкуярлари санъатни тарғиб этиб, халқимиз маънавиятини бойитишга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ, Ўзбекистон Бадиий академияси бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси.**






## Русланга ким рақиб бўлади?

***14 апреь куни Штутгарт шаҳрида Николай Валуевдан WBA чемпионлик камарини тортиб олган ҳамюртимиз Руслан Чагаев ўз унвонини жорий йилнинг ёз ойларида биринчи бор ҳимоя қилиши мумкин.***

Хориж ОАВда келтирилишича, Руслан Мэтт Скелтон ва Майкл Спротт ўртасидаги жанг ғолибига қарши баҳс олиб бориши мумкин экан. Бу икки Буюк британиялик чарм қўлқоп усталари 26 май куни бир-бирига қарши баҳс олиб боради. Мутахассислар бу боксчиларнинг айни пайтда яхши жисмоний тайёргарликка эга эканлиги ҳақида алоҳида тўхталишган.

Шундай бўлса-да, уларнинг Руслан Чагаевга бас келиши эҳтимоли пастлиги ҳам айтиб ўтилган. Бундан ташқари, ўтган йилнинг июль ойида Майкл Спротт ҳамюртимизга қарши рингга кўтарилиб, нокаутга учраганди.

Нима бўлганда ҳам бу хориж ОАВи томонидан тарқатилган хабарлар. Ватандошимиз ўзининг унвонини биринчи бўлиб қачон ва кимдан ҳимоя қилишини эса вақт кўрсатади.

## Жанубий Корея, Япония, Саудия Арабистони кейинги босқичда

***Футбол бўйича қитъамиз олимпия терма жамоалари гуруҳ баҳслари IV тур ўйинларини ўтказди. Унда “F” гуруҳидан ўрин олган вакилларимиз Жанубий кореялик рақибларига қарши ўз майдонида тўп сурди.***



Мухлисларга яхши маълум, Вадим Абрамов шогирдлари ўтган турда айнан Жанубий Корея олимпиячиларига 0:2 ҳисобида имкониятни бой берганди. Шу сабабдан Тошкентдаги учрашувда ижобий натижа қайд этишлари лозим эди. Лекин Марказий ҳарбий спорт клуби ўйингоҳида бўлиб ўтган учрашувда футболчиларимиз рақибларига муносиб қаршилик кўрсата олишмади. 77-дақиқада Бек Жи Хун жарима тўпини аниқ амалга ошириб, жамоасининг сафарда уч очкога эга бўлишини таъминлади. Гуруҳдаги иккинчи учрашувда эса Бирлашган Араб Амирликлари олимпиячилари яманлик тенгқурларидан 2:0 ҳисобида устун келишди. Айни дамда ушбу гуруҳда Жанубий Корея 12 очко тўплади ва муддатидан олдин кейинги босқичда тўп суриш имкониятига эга бўлди. Ўзбекистон ва БАА олимпия терма жамоалари ҳисобида 6 очкодан бор. Яман эса ҳозирча бирорта ҳам очко жамғара олмаган.

“А” гуруҳидаги икки учрашув ҳам 4:0 ҳисоби билан якунланди. Қувайт – Покистон – 4:0, Қатар – Баҳрайн – 4:0. Жамоаларнинг гуруҳдаги жойлашуви: 1.Қувайт 10, 2. Қатар 7, 3.Баҳрайн 6, 4.Покистон 0.

“В” гуруҳи жамоаларидан Япония ва Гонконг ғалаба қозонди. Япония Суриядан устун келган (2:0) бўлса, Малайзия ўз майдонида Гонконгга имкониятни бой берди – 0:1. Япония 12 очко тўплади ва кейинги босқичда иштирок этади. Сурия 6 очко жамғарган. Малайзия ва Гонконг олимпия терма жамоалари ҳисобида 3 тадан очко мавжуд.

“С” гуруҳи: Вьетнам Уммонни Нгуен Мин Пуонгнинг дубли эвазига мағлуб этди. Ливан эса Индонезиядан 2:1 ҳисобида устун келди. Вьетнам ва Ливан 9 очкодан жамғариб, кейинги босқичга чиқиш учун яхши имконият ҳосил қилган. Олти очколик бўлган Уммонда ҳам ҳали умид бор. Индонезия эса барча учрашувларни мағлубият билан якунлаган.

“D” гуруҳи: Саудия Арабистони Австралияни 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, кейинги босқич масаласини муддатидан олдин ҳал этди. Эрон эса Иорданиядан 3:0 ҳисобида устун келди. Саудия Арабистони юз фоизли натижа қайд этган. Эрон ва Австралия ҳисобида бештадан очко бор. Иордания (2 очко) кейинги босқичга чиқиш имкониятидан деярли маҳрум бўлди.

“Е” гуруҳи: Корея Халқ Демократик Республикаси (КХДР) сафарда Ҳиндистонни мағлубиятга учратди – 2:0. Ироқ олимпиячилари эса Таиланддан кичик ҳисобда устун келди – 1:0.

КХДР 10 очко билан гуруҳ пешқадами бўлиб турибди. Кейинги ўриндаги Ироқ ҳисобида 8, Таиландда 4 очкодан бор. Ҳиндистон эса Яман, Индонезия, Покистон сингари барча ўйинларда рақибларига ғалабани “тортиқ” қилган.

## “Челси” ғалаба қозонди

***Лондоннинг “Челси” клуби Англия чемпионатининг 33-турида “Вест Хэм”га қарши майдонга тушди.***

Биринчи бўлимда “аристократлар”дан Шон Райт-Филлипс икки бор гол киритди. Ўйиннинг қолган дақиқаларида эса “Челси” футболчиларидан Соломон Калу ва Дидье Дрогбалар “Вест Хэм” дарвозасини аниқ нишонга олишди. “Вест Хэм”нинг ягона жавоб тўпини Карлос Тевес ўз номига ёзиб қўйди. Айни пайтда Роман Абрамович жамоаси ҳисобида 78 очко бор бўлиб, улар турнир жадвали пешқадами “Манчестер Юнайтед”дан уч очко ортда қолишмоқда.



**Ф.АБИЛОВ тайёрлади.**

## Шоҳ ва мот



Уч юришда мот



Тўрт юришда мот

**А.ИНОҚОВ тайёрлади.**




## Қисқа сатрларда

### Уч эгизак

Ёзёвон туманидаги Ҳамза номли маҳаллада яшовчи Озодахон Пўлатова Фотима, Зуҳра ва Заҳро исмли чақалоқларни дунёга келтирди. Туман соғлиқни сақлаш бўлими шифокорларининг фикрича, чақалоқлар соғ-саломат, шифокор назорати остида кичкинтойлар парвариш қилинмоқда.

### Кўприк таъмирланди

Лойиҳавий қиймати 252 миллион сўм миқдоридаги кўприк йўл таъмирлаш ишлари бажарилди. Ушбу савобли ишларни адо этишда олтиариқлик йўлсозлар билан бирга Тошлоқ махсус йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси ходимлари ҳамкорликда Олтиариқ-Ҳамза автомобиль йўлидаги катта Фарғона канали устидан ўтган кўприкни таъмирлаш ишлари тўла тугалланди.

**Мухтор СУЛАЙМОНОВ**

Тегишли давлат патентларига эга “AVTOTRAK”® илмий-ишлаб чиқариш маркази қуйидаги хизматларни таклиф этади:

1 ЗИЛ–130,555.., ГАЗ–52,53.., САЗ.. автомобилларига дизеллар ўрнатади ва назорат (ГАИ) идораларига керакли ҳужжатлар тақдим этади.

2 автомобилларга дизеллар ўрнатишни ўз жойларида ташкил этишга кўмаклашади.

3 Д-243 (МТЗ), Д-144 (Т-28), А-01 (“Алтай”), “Камминз”, “Авиа” дизелларини капитал ремонт қилади, эҳтиёт қисмлар сотади.

Манзилимиз: Тошкент ш., Қорасув-6, Аэродромная кўчаси, 5-уй. (мўлжал: ТЭА-, "Обл. ГАИ") Автобуслар: 21,49, "Обл. ГАИ" бекати. **Телефонлар: 159-48-00. Кечқурун 112-90-43**

Хизматлар лицензияга эга

Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимлиги томонидан 2005 йили "MOHIR INTEKS" хусусий корхонасига берилган № 11-000659 рақамли давлат рўйхатига олинганлиги тўғрисидаги далолатнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "AGROXIM BIZNES" (код по ОКПО 20298042) сообщает о преобразовании в СП "AGROXIM BIZNES". СП "AGROXIM BIZNES" становится правопреемником всех долгов и объязательств ООО "AGROXIM BIZNES". Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, пересечение ул.Мовароуннаҳр и пр.Мовароуннаҳр.

П.Ф.Боровский номидаги Тошкент Тиббиёт билим юрти томонидан 1992 йили Халисова Мукаддас Хасиловна номига берилган СТ-I № 438040 (рўйхат рақами № 1353) рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Утерянное свидетельство № 023826, выданный 1994 г. ср.шк. № 66 Чиланзарского района г.Ташкента на имя Оводковой Аллы Валерьевны, считать недействительным.

Утерянный диплом № УШ 003558 (рег. № 260), выданный 1996 г. училищей № 32, Хамзинского района г.Ташкента на имя Оводковой Аллы Валерьевны, считать недействительным.

Утерянный диплом № 109633, выданный 1995 г. Ташкентским педиатрическим институтом на имя Трофимова Евгения Николаевича, считать недействительным.

Утерянный аттестат № 268479, выданный 17.06.93 г. сред.шк. № 18 г.Чирчик Ташкентской обл. на имя Оразовой Гульчехры Мусаевны, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 08-21/145 от 18.03.1993 г. права собственности на квартиру на имя Фахретдиновой Розы Абдулхаировны, считать недействительным.

Утерянный гос.ордер № 01-01/16481 от 30.03.1993 г. права собственности на квартиру на имя Турановой Сабохат, считать недействительным.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Саид АҲМАД, Ўткир РАҲМАТ, Ағитай АДИЛОВ, Ўктам БАРНОЕВ, Фахриддин КАЛОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Ғафур ШЕРМУҲАММАД.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими – 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**
Қорақалпоғистон Республикаси – 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон – 8-374-22-234-08; Бухоро – 8-365-22-644-61; Жиззах – 8-372-22-606-34; Навоий – 8-436-22-60-525; Наманган - 8 – 369-41-234-23; Фарғона – 8-373-61-221-97; Самарқанд – 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё – 8-376-46-526-61; Сирдарё – 8-367-37-23-813; Тошкент – 8-371-136-56-21; Хоразм – 8-362-22-623-50; Қашқадарё – 8-375-22-765-42.

Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар
ⓣ -тижорат мақола

**МАНЗИЛИМИЗ:**
700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Навбатчи: С.РАҲМОНОВ
Саҳифаловчилар: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ
Бош мусаҳҳиҳ: Ҳ.ТОШХЎЖАЕВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2006 йил 6 декабрда № 0020 - рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

Газета сешанба, пайшанба (“Ҳаёт”-илова), жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-317 , ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

E-mail: kishlokhayoti@mail.ru

Босишга топшириш вақти: 21.00.
Босишга топширилди: 23.40
Адади - 17910

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.
Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5 6